БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 192 (939)

25 СЕНТЯБРЬ ЧОРШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Қадрли дўстлар! Пахтани нобуд қилиш—катта зарар. Граммсиз килограмм бўлмаслигини, килограммсиз тонна бўлмаслигини ёдингизда тутингиз! Нобудгарчиликка қарши курашингиз! Бир грамм ҳам пахтани қолдирмай териб олингиз!

БУТУН КУЧ—ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА!

☆ ☆

Пахта тайёрлаш суръатини кескин оширайлик

Ҳосил учун курашнинг энг масъулиятли, ҳал қилувчи даври бошланди. Терим ишларининг кўлами кун сайин кенгайиб бормоқда. Поёнсиз пахта далаларимизда лўппи бўлиб очилган чаноқларнинг сони тобора кўпайиб, шонли пахтакорларимизнинг шижоати кун сайин ўсиб бораётир.

Бу йилги мавсумда Пискент районининг пахтакорлари бултургидек яна биринчи ўринда бормоқдалар. Область ижроия комитети ва область партия комитетининг бюроси пахта териш ва тайёрлаш юзасидан районлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг мавсум бошлангандан 20 сентябргача бўлган якунини кўриб чиқиб, кўчма Қизил байроқни Пискент районига беришга қарор қилдилар. Пискент райони 24 сентябргача йиллик планнинг 14,92 процента миқдорида пахта тайёрлаган ва топширилган пахтанинг сифати яхши бўлган.

Бироқ, умуман олганда областимиз колхоз ва совхозларида пахта териш ва тайёрлаш ишлари мутлақо қониқарсиз бормоқда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бу ҳақда яқинда махсус қарор қабул қилиб, область колхоз ва совхозларида ҳар куни давлатга йиллик планнинг камида 1,5 процента миқдорида пахта териб топшириш имкониятини берадиган даражада очилган пахта бўлишига қарамасдан пахта тайёрлаш ниҳоятда суст бораётганлигини, сентябрь ойида пахта териш ва давлатга топшириш юзасидан белгиланган топшириқнинг бажарилмаётганлигини кўрсатиб ўтди.

Бошқа областларга қараганда кўпроқ ишчи кучи ва моддий-техника воситаларига эга бўлган Тошкент областининг республика сводкасида энг орқада колишига сабаб нима? Бунинг асосий сабаби шундаки, кўпчилик район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари, МТС, колхоз ва совхозлар колхозчилар ҳамда совхоз ишчиларининг пахта теримига оммавий равишда чиқишларини таъминламаётирлар. Баъзи бир жойларда теримга чиқиши зарур бўлган кишиларнинг ярмиси ҳам пахта термаётир. Янгийўл районидаги колхозларда текшириш ўтказилганда пахта теримда атиги 4970 теримчи ишлаётганлиги, бу эса белгиланган топшириқнинг фақат 41 процентини ташкил этиши маълум бўлди. Шу райондаги Ворошилов номли, «Москва», Свердлов номли ва Сталин номли колхозларда колхозчиларнинг 25-30 процентигина пахта теримида ишлаётганлиги аниқланди. Шунинг учун ҳам Янгийўл райони мавсум бошлангандан бери бирор кун пахта тайёрлаш юзасидан белгиланган топшириқни бажаргани йўқ.

Октябрь, Оққўрғон, Чиноз, Сирдарё районларидаги кўпгина колхозларда, шунингдек «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» ва «Оққўрғон» совхозларида ҳам колхозчилар ҳамда совхоз ишчиларини пахта теримига жалб қилиш мутлақо қониқарсиз аҳволдадир. Баъзи бир колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари теримчилар сонини орттириб кўрсатиб, очиқдан-очиқ кўз бўямачиликка йўл қўймоқдалар.

Пахта териш ва тайёрлашнинг қониқарсиз бораётганлигига яна шу нарса сабаб бўлмоқдаки, колхоз ва совхозларнинг кўпчилигида теримчиларнинг унумли ишлашлари учун зарур шароит яратиб берилмаган. Область матлубот союзи (раиси Аъзамов) ва район матлубот союзлари савдо ходимлари республика кенгашининг ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг колхоз ва совхозларда умумий овқатланишни ташкил қилиш тўғрисидаги қарорларини бажаришга масъулиятсизлик билан қарамоқдалар. Областдаги текширилган колхозлардан биронтасида ҳам матлубот кооперацияси умумий овқатланишни ташкил қилмаган. Кўпгина колхоз ва совхозларда ишлаб турган болалар боқчаси ва яслисининг ҳозирги аҳволи талабга жавоб бермайди.

Маҳаллий партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз, совхоз ва МТС раҳбарларининг шу кеча-кундуздаги энг муҳим вазифаси — пахта тайёрлашдаги қолоқликни тугатиш учун бутун куч ва воситаларни ишга солишдан, графикда мўлжалланган кишиларнинг ҳаммасини теримга тўла сафарбар қилиб, суръатни кескин оширишдан иборатдир. Бунинг учун даставвал колхоз ва совхозларда қатъий меҳнат интизоми ўрнатиш, ишёқмас дангасаларни жазолаш, теримчиларнинг ишини, нормани бажаришини контроль қилиб бориш керак. Баъзи бир колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, шунингдек далачилик бригадаларининг бошлиқлари пахта теримини ташкил қилиш билан бевосита шуғулланмасдан, одатда идорада ёки хирмонларда вақт ўтказадилар. Бу аҳвол пахта териш суръати ва сифатининг паст бўлишига олиб келади. Бунга қатъий чек қўйиш, ҳом пахтанинг терилишига мутлақо йўл қўймаслик керак.

Теримчиларнинг унумли ишлашлари учун қулай шароит яратиб бериш, уларга маданий-маиший хизматни яхшилаш—йиғим-теримда меҳнат унумини оширишнинг энг зарур шартларидан биридир. Шу сабабли колхозчиларга, совхоз ишчиларига, шунингдек шаҳардан борган хашарчиларга гамхўрликни янада кучайтириш, уларнинг белгиланган нормаларни тўла ва ошириб бажаришлари учун шароит яратиб бериш керак.

Яқинда Ўзбекистон КП Марказий Комитети кўпминг килограммчи ёш теримчилар республика слёти қатнашчиларининг республикамиздаги барча қишлоқ ва шаҳар ёшларига қарата қабул қилган Мурожаатини маъқуллади.

«Дўстлар! — дейилади бу Мурожаатда, — Терим мавсуми қисқа. Ҳамма куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз, пахта териш суръатини кун сайин ошириб боришимиз зарур. Биз сизларни пахта теримида социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборишга чақирамиз. Пахта териш нормасини ҳар куни тўла ва ошириб бажариш — шу кунларда ҳар бир ёш теримчининг шиори бўлсин! Пахта тершнинг илғор усулларини ўрганингиз, кўпмингчилар сафига киринг!

Ҳамма — далага! Пахта терими қизиб кетди. Шу кунларда бирорта ҳам йигит, бирорта ҳам қиз 3 миллион тонна «оқ олтин» учун умумхалқ курашидан четда турмаслиги лозим. Тани-жони соғ бўлган ва юрагида ўти бўлган ҳар бир кишининг жойи—далададир»!

Бу Мурожаатни кенг пропаганда қилиш, областимизда кўпминг килограммчи илғор теримчиларнинг сафини кенгайтириб, бутун кучни пахта териш ва тайёрлаш суръатини кескин оширишга сафарбар қилиш—партия, совет, комсомол ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг энг муҳим вазифасидир.



Областимизнинг илғор теримчилари ва механик-ҳайдовчилари. Суратда: (чапдан ўнгга) Октябрь районидаги Пахта МТСнинг механик-ҳайдовчиси Турсуной **Охунова.** У машина билан 110 тонна пахта териш мажбуриятини олган. Суратдаги Ленин номидаги «Ёш ленинчи» колхозининг аъзоси Бозоржон **Эргашева.** Ўртоқ Эргашева кунига 150-160 килограммдан пахта тераётир. Бекобод районидаги «Гулистон» колхозида Мелиой **Эргашева** кўп пахта териш билан донг чиқарган. У ҳозирги кунларда 200 килограммдан ошириб пахта тераётир. Мирзачўл районидаги Ворошилов номли колхознинг аъзоси ўртоқ **Ф. Мирзаева** шу кунларда кўп ва юқори сифатли пахта териб илғорликни эгаллади. Ўртасарой районидаги «Коммунизм» колхозининг звено бошлиғи ўртоқ **О. Холматов.** Унинг звеноси сентябрь ойи графиғини ошириб бажариш учун курашмоқда.

И. Глауберзон, В. Сироткин ва М. Шевелев фотолари.

Совхознинг чевар теримчилари

— Ана шу ерлар бизга қарашли. — деди бўлим бошлиғи. — Кўриб турибсиз, ҳосилимиз чакки эмас, ҳар туп гўзамизда 14-15 талан кўсак бор. Мана шундай ҳосилни етиштириш учун кечаникеча, кундузни-кундуз демай меҳнат қилган пахтакорларнинг йиғим-теримни ҳам уюшқоқлик билан ўтказаётирлар.

Бўлим бошлиғи шу сўзларни айтар экан, бизни кенг пахтазор ўртасидаги сўқмоқ йўлдан ишчилар пахта тераётган ерга бошлаб борди. Бу ерда йиғим-терим ҳақиқатан ҳам бирдамлик, уюшқоқлик билан ўтказилаётган эди. Биз қўли-қўлига тегмай «оқ олтин» тераётган йигит ва қизларнинг меҳнат завқига қойил қолиб, уларнинг ишини бир муддат кузатиб турдик. Хирмон томондан келиб, бизнинг ёнгинамизда пахта теришга кириша бошлаган қизларнинг ўзаро суҳбати диққатимизни жалб қилди.

— Дугонажон, хирмонга неча килограмм пахта топширдингиз, — деб сўради Зарифа.

— Юзга етишига озгина қолди, — деб жавоб берди Нори этагини боғлар экан.

Биз бўлим бошлиғидан бу қизлар тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилдик. Бошлиқнинг айтишига қараганда Зарифа Убайдуллаева ҳам, Нори Тойлоқова ҳам совхознинг чевар теримчилари экан. Улар мавсумда 15-30 минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олиб, кунига хирмонга 100-200 килограммлан пахта топширмоқдалар. Ёш теримчи Зарифа Убайдуллаева айниқса филокорона меҳнат қилаётир. У шу совхоз ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Соҳиба Ғуломхонова билан мусобақалашиб ишламоқда, мавсумда камида 30 тонна пахта териш учун курашаётир.

Совхознинг бошқа теримчилари ҳам Зарифа Убайдуллаева сингари чеварлардан ўрнак олиб, йиғим-теримда кундан-кунга яхши натижаларга эришмоқдалар.

Партия ва ҳукуматимизнинг қарорига биноан бу йил областимизда совхозлар сони бирмунча кўпайди, янги совхозлар ташкил қилиниб, уларда қизғин иш бошлаб юборилди. «Пискент» совхози ана шулар жумласидандир. Колхозчилар партия ва ҳукуматимизнинг янги совхозлар ташкил қилиш тўғрисидаги қарорини қизғин маъқуллаганликлари ва совхозларга бирлашиб ишлаш истагини билдирганликлари учун ҳам ҳозир «Пискент» совхозида иш қизғин бораётир.

Пахта териш ва уни давлатга топширишда 900 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олган биринчи бўлим ишчилари ўзаро социалистик мусобақада олдинда бормоқдалар. Бу бўлимнинг Зарифа Убайдуллаева, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Соҳиба Ғуломхонова ўртоқлар бошлиқ звеноларида иш айниқса қизғин. Бу мусобақадошлар звено ишларига моҳир раҳбарлик қилиш билан бир қаторда ўзлари ҳар куни 200-250 килограммга етказиб пахта термоқдалар.

Совхознинг юздан ортиқ теримчиси бу йил мавсумда 10-15-20 тоннадан пахта териш мажбуриятини олиб астойдил меҳнат қилаётир.

Н. БЕКНАЗАРОВ, Н. РИХСИЕВ.

Пахта яхши очилмаган эмиш...

Октябрь районидаги «Сталинчи» колхозида (раиси Жўрабеков, партия ташкилотининг секретари Самбетов ўртоқлар) бўлганимизда, йиғим-терим ишлари ғоят суст аҳволдалигини кўриб ачиндик. Бригада ва звеноларда меҳнат интизоми бўшаштириб юборилган, ишнинг сифати устидан контроллик йўқ. Шунинг учун ҳам колхозда кундалик терим нормаси бажарилмаётир. Масалан, ҳаркуни 24 тонна ўрнига ўрта ҳисоб билан 8300-8310 килограмм пахта тайёрланмоқда. Колхоз раҳбарларидан нега терим суръати паст деб сўрасангиз улар: «ҳали пахта яхши очилмаган, ҳамма гап ана шунда» деб мужмал жавоб берадилар.

Бироқ раҳбарлар мавжуд ишчи кучларидан тўлиқ фойдаланиш тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Вақоланки пахта йиғим-теримига ажратилган 232 кишидан атиги 118-120 киши пахта термоқда.

Биз далаларни айланганимизда кунига 100-120 килограммдан пахта тераётган чевар теримчилар бор эканлигини аниқладик. Бу факт, биринчидан, колхоз раҳбарларининг пахта яхши очилмаган деб баҳона ахтаришларига ҳеч бир асос йўқлигини исботласа, иккинчидан, колхозда оммавий-сиёсий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги—илғорлар тажрибаси кенг оммалаштирилмаётганлигини кўрсатади.

Юқоридаги каби камчиликлар туфайли колхоз пахта тайёрлашда жуда орқада қолмоқда.

Колхоз раҳбарлари хотиржамликка тезда барҳам бериб, йиғим-терим суръатини кучайтиришлари керак.

Х. ЭРАЛИЕВ.

ПАХТАНИ МАШИНА БИЛАН ТЕРИШГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНИШ КЕРАК

Бу йил Янгийўл районида кўпгина майдонлардаги пахта машина билан терилади. 2-МТС коллективи пахтани машина билан териш ишига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрмоқда. МТСдаги мавжуд 24 та СХМ-48 ва СХМ-48-Н машиналари сифатли қилиб ремонтдан чиқарилди.

Шунингдек 44 та кўрак тозалайдиган машина ва бир қанча ОДН ва ОУН пуркагич агрегатлари ҳам тахт қилиб қўйилди. Механизаторлардан Н. Асонов, М. Муҳамедов, М. Мухторов каби ўртоқлар ўз агрегатларини айниқса сифатли қилиб ремонтдан чиқардилар.

Бироқ райондаги 1-МТСда пахтани машина билан теришга тайёргарлик ишлари ғоят суст олиб борилмоқда. МТСдаги мавжуд 32 пахта териш, 24 та кўрак чувиш агрегатлари ҳалигача ремонтдан чиқарилмаган. Бунга сабаб шуки, МТСда меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилмаган, бу ердаги барча ташкилий ишлар МТС механиги Д. Шагайнинг ихтиёрига топшириб қўйилган. Шунинг учун ҳам тайёргарлик ишларининг суръати паст.

1-МТС раҳбарлари пахтани машина билан теришга тайёргарлик ишларини уюштиришда 2-МТС коллективидан ўрнак олишлари ва йўл қўйилаётган камчиликларни тезда тугатиш учун курашишлари керак.

Қ. СОБИРОВ.

Тонгда

Тонг қўйнида уйғониб ҳар кун,
Пахтазорга қиз борар мағрур.
Оқ олтинга у бўлиб мафтун,
Чеҳрасида товланади нур.

Катта йўлдан хурсанд одимлар,
Дилда меҳнат, ҳосил зафари.
Ғуж-ғуж пахта кел дея имлар,
Қанотланар қиз севинчлари.

Этатларни оралар илдам,
Мўл-кўл ҳосил олишдир аҳди.
Ғайратидан элу юрт хурсанд,
Оқ олтини шарафи, бахти.

Сочларини шаббода силар,
Елда ўйнар ғўза япроғи.
Хирмон сари қиз чаққон келар,
Оқ олтиндан тўла қўчоғи.

Биринчи сорт, биринчи хирмон,
Кўз-кўз этар ботирлар аҳдин,
Теримчи қиз далада шоён
Янги қопнинг кўтарар қаддин.

Элмурод МИРЗАЕВ.

Илғорларга кўчма Қизил байроқ берилди

Область ижроия комитети ва область партия комитетининг бюроси луб экиларни ҳосилини йиғиштириб олиш ва тайёрлаш юзасидан колхозлар, МТС лар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1957 йил 11 сентябрдан 21 сентябргача бўлган даврдаги натижасини кўриб чиқиб **қарор қилдилар.**

Бу қарорга мувофиқ область ижроия комитети ва область партия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Юқори Чирчиқ** районида (райком секретари ўртоқ **Иброҳимов,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Каримов)** қолдирилди. Бу район сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида луб экиларни тайёрлашда энг юқори кўрсаткичларга эришиб, йиллик планни ошириб адо этган.

Шунингдек, область ижроия комитети ва область партия комитетининг кўчма Қизил байроқлари **Юқори Чирчиқ районидаги 1-МТС** га (директори **Қосимов,** партия ташкилотининг секретари **Комилов,** ишчилар комитетининг раиси **Мамлеев** ўртоқлар), шу райондаги **Свердлов номли** (раиси **Ким Д.,** партия ташкилотининг секретари **Эм Т.** ўртоқлар) колхозга берилди.

Область ижроия комитети ва область партия комитети сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида Юқори Чирчиқ районидаги **«Ўзбекистон ССР 25 йиллиги», «Правда», «Ленинский Путь»,** Қуйи Чирчиқ районидаги **Энгельс номли, Ворошилов номли, Сталин номли ва «III Интернационал»** колхозларининг яхши ишлаганликларини қайд қилиб ўтди.

Область районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1957 йил 24 сентябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш	Районлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш
Бўстонлиқ	15,00	1,44	Верхне-волинск	9,53	1,06
Пискент	14,92	1,37	Боёвут	9,31	0,83
Ўрта Чирчиқ	13,31	1,49	Ўртасарой	9,05	1,28
Оржоникидзе	13,28	1,67	Сирдарё	8,88	1,00
Бекобод	12,35	1,13	Октябрь	8,19	0,85
Бўка	10,86	1,12	Оҳангарон	8,14	0,85
Юқори Чирчиқ	10,9	1,29	Чиноз	7,85	0,84
Мирзачўл	9,72	1,20	Янгийўл	6,99	0,98
Гулистон	9,68	1,25	Калинин	6,16	0,90
Оққўрғон	9,64	1,09	Қуйи Чирчиқ	4,20	0,40

Область совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1957 йил 24 сентябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш	Совхозлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш
6-«Кўкорол»	20,66	2,04	Киров номли	9,54	1,39
3-«Оҳангарон»	18,0	1,0	1-«Оҳангарон»	8,33	1,0
1-«Фарҳод»	17,61	1,24	«Гулистон»	8,08	0,77
«Дружба»	16,4	1,15	«Оққўрғон»	7,31	0,87
4-«Вревский»	15,83	1,04	1-«Боёвут»	7,22	0,52
«Пискент»	13,32	1,13	Булганин номли	6,60	0,83
«Чаноқ»	12,27	1,22	Бушуев номли	6,26	0,56
«Социализм»	11,20	0,97	3-«Боёвут»	5,51	0,51
2-«Далварзин»	10,72	0,99	«Малик»	5,40	0,48
1-«Далварзин»	10,62	1,01	«ЎзССР беш йиллиги»	4,20	0,40
«Мирзачўл»	9,69	1,16	2-«Оҳангарон»	2,93	0,60

Суратда: 1.Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхознинг аъзоси Х. Эргашева, 2. Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхозда пахта қуритиш пайти. 3. Гулистон районидаги Фрунзе номли колхознинг теримчилари (чапдан) С. Маматқулова, С. Эгамқулова, Р. Жонқулова ўртоқлар пахта тераётирлар.

М. Шевелев, И. Глауберзон, В. Сироткин фотолари.

Чирчиқ саноат корхоналарида қишга тайёргарлик суст

Яна бир неча ҳафталардан сўнг ёғин-чочин бошланади. Буни ҳар бир хўжалик раҳбари, партия, касаба союз ташкилотлари бир зум ҳам унутмасликлари керак. Илғор саноат корхоналарининг раҳбарлари ўз корхоналарини қишга пухта тайёрлаб қўйиш учун ҳамма чораларни кўраётирлар.

Яқинда биз Чирчиқ шаҳридаги саноат корхоналарининг қиш мавсумига қандай тайёргарлик кўраётганликлари билан танишиб чиқдик. Шаҳарнинг талайгина корхоналари, шунингдек қурилиш бошқармаларида ва бошқа объектларда бу соҳада бирмунча ишлар қилинаётганлигини кўрдик. «Электрошчит» заводи, пойафзал фабрикаси ҳамда электрохимия комбинатининг коллективлари ўтган йилги сабоқлардан тегишли хулоса чиқариб олиб, корхона цехларини ва ишлаб чиқариш участкаларини ўз вақтида ремонтдан чиқариш учун барча имкониятларни ишга солаётирлар. Улар қишки ремонтни шу йилнинг 1 октябригача батафсил тугаллашга ҳаракат қилаётирлар. Айниқса «Электрошчит» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари қишга тайёргарлик кўришда бошқа корхоналарга намуна бўларли иш қилаётирлар. Улар ремонт қилиш ташкилотларини кутиб турмасдан ўз кучлари билан ремонт ишларини ўтган йилдагига нисбатан анча илгарироқ бошладилар. Механика цехи 1956 йилда яхши ремонт қилинмаганлигидан унинг томи ва деворлари деярли ишдан чиқиб қолган эди. Шунинг учун завод маъмурияти бу йилги ремонтни пухта ўтказишга қарор қилди. Ишчилар маъмурият, партия ташкилоти томонидан белгиланган бу тадбирни қўллаб-қувватладилар ҳамда уни қисқа вақт ичида амалга оширдилар. Шунингдек корхонанинг бошқа цехларини ҳам қишда бемалол ишлайдиган қилиб ремонтдан чиқардилар.

Чирчиқдаги айрим корхоналар, хусусан пойафзал фабрикаси ишчилари (директори Ўртоқ Алимов) «Электрошчит» заводи коллективи бошлаб берган ташаббусни кенг қўллаб, ўз корхоналарини ҳозирнинг ўзидаёқ қишки ремонтдан тўла чиқардилар. Бироқ шаҳардаги айрим корхона раҳбарлари ҳали вақт бор, бемалол улгира оламиз, деб қишки ремонт ишларини ҳамон орқага суриб келмоқдалар.

Биз «Чирчиксельмаш» заводида бўлганимизда бу ерда қотиржамлик ҳукм сураётганлигини кўрдик. Корхонанинг кўпгина цехлари қишки мавсумда ишлашга яроқсиз бўлиб қолган. Масалан, 3-механика-йиғув цехининг томи икки йилдан буён ёпилмай келаётир. Ўтган йил бу цех бутунлай қор остида қолиб кетиб ундаги ишчиларни бошқа цехларга кўчиришга мажбур бўлган эдилар. Шу йилнинг бошларида цехни ремонт қилиш ишларини олиб бориш учун махсус комиссия тузилган эди. Лекин комиссия раиси-цех бошлиғи коммунист Ўртоқ Беляев ремонт қилиш ишлари графигини тузиш билангина чекланиб қолди. Цехда иситиш ускуналари, ювиниш хоналари йўқ. Дераза рамалари эскириб кетган, унда ойналар йўқ. Худди шундай аҳволни темирчилик-пресс цехида ҳам кўриш мумкин. Цех бошлиғи Ўртоқ Яковлевга «капитал ремонт қилиш учун барча қурилиш материаллари, шунингдек иситиш асбоб-ускуналари мавжудку, нега ремонтни бошлаб юбормаётирсиз» деб савол берсангиз у, «менинг қўлимдан нима иш келади» дейди. Ҳолбуки, цех ремонт ишларини қисқа вақт ичида бажара оладиган кучга эга. Фақат ана шу кучни ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишга жалб эта билиш керак. Цех бошлиқларида ҳам, завод маъмуриятида ҳам ана шу ташаббускорлик етишмаётир.

«Чирчиксельмаш» заводининг транспорт цехида, шунингдек корхонанинг автомашина ва тракторлар турадиган жойларида ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас. Шуниси ажабланарлики, бу икки участкада қарийб беш йилдан буён ремонт ишлари олиб борилмайди. Корхона раҳбарлари эса бу масалалар тўғрисида бош қотирмаётирлар.

Ўтган йил «Средазхиммаш» заводи маъмурияти партия ва касаба союз ташкилоти раҳбарлари ўз корхоналарида ремонт ишларини пухта уюштирмаганликлари учун шаҳар партия активи йиғилишида кескин танқид қилинган эдилар. Лекин корхона раҳбарлари ҳанузгача тегишли хулоса чиқариб олганлари йўқ. Ўтган қишда темирчилик-пресс ҳамда қуюв цехларида қишга ҳозиргарлик мутлақо кўрилмаган эди. Шу сабабли бу цехлар бутун қиш давомида ишлаб чиқариш планларини системали равишда бажара олмай келган эдилар. Хўш, бу йил завод директори Платонов, партия ташкилотининг секретари Давидов ўтроқлар ўтган йилги сабоқдан қандай хулосалар чиқардилар? Афсуски, улар ҳали ҳам бамайли хотир, қишки ремонтдан узоқроқ юрибдилар.

Социалистик Чирчиқ шаҳри кундан-кунга обод бўлаётир. Бу ерда ўнлаб кўп қаватли binolar, уй-жойлар, клублар ва маданият саройлари қад кўтарган. Бу йил яна жуда кўп миқдорда уй-жой binolari ва бошқа маданий-маиший объектларда кенг ҳажмда иш олиб борилаётир. Қурилиш трестлари ва уларга қарашли бошқармалар ҳам қиш давомида бинокорлик материалларини ҳамда зарур асбоб-ускуналарни яхши сақлаш тўғрисида қайғиришлари керак. Шаҳардаги 160-трестга қарашли 225-қурилиш бошқармасининг бир қанча объектлари бор. Трест ва бошқарма раҳбарлари қурилиш майдончаларини қишки мавсумга пухта тайёрлаб қўйишлари зарур. Улар, даставвал қурилиш майдончалари ҳудудида бинокорлик материалларини ҳамда механизмларни ёғин-чочиндан сақлайдиган бостирмалар қуришлари ва қурилиш участкаларига олиб борадиган йўлларга шағал ётқизишлари лозим. Бироқ, трестга қарашли қурилиш бошқармаларида қиш мавсумига тайёргарлик ишлари қониқарли деб бўлмайди. «Чирчиксельмаш» заводи ишчилари учун қурилаётган кўп қаватли уй-жой объектида ва бошқа кўпгина қурилиш участкаларида қишга тайёргарлик кўриш деярли сезилмайди. Бу объектларда юзлаб кубометр тилинган ёғоч, цемент ва бошқа бинокорлик материаллари очиқ майдонларда ётипти. Агар ёмғир ёки қор ёғиб қолгундек бўлса, бу материалларнинг барчаси яроқсиз бўлиб қолиши мумкин. Трест бошлиғи Ўртоқ Ягудаев шаҳардаги барча қурилиш объектларида қишга тайёргарликнинг ёмон аҳволда бораётганлигини кўриб, ҳанузгача бирор тадбир белгиламаган.

«Электромонтаж» бошқармаси объектларини йилига сув босиб кетади, ҳаракатдаги электр агрегатлари ёғин-чочинда қолиб, ишдан чиқиб қолаётир. Бу ҳол ишчиларнинг ҳамда механизмларнинг меҳнат унумдорлигини пасайтириб юбормоқда.

Ўз-ўзидан маълумки, «Электромонтаж» ишчилари ,инженер-техник ходимлари бундай шароитда нормал ишлаш имкониятига эга бўлолмайдилар. «Электромонтаж» бошқармаси бошлиғи Шейченко ва партия комитети секретари Кидов ўртоқлар қиш вақтида ҳам ишчиларнинг юқори унум билан ишлашлари учун дуруст шароит яратиб беришлари керак. Бироқ давлат томонидан ремонт учун етарли миқдорда маблағ ажратилган бўлишига қарамай, бошқарма раҳбарлари шу вақтга қадар объектларда иш бошлаган эмаслар.

Чирчиқ шаҳар партия комитети ва айниқса Тошкент иқтисодий-маъмурий район Халқ хўжалиги кенгаши машинасозлик саноати бошқармаси, шунингдек Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги раҳбарлари шаҳар корхоналари, қурилиш бошқармаларининг қишга пухта тайёргарлик кўришлари устидан жиддий контроллик ўрнатишлари керак.

И. САТТОРОВ,
«Ленин йўли» газетаси ходими.

А. АБДУАЗИМОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

ЁЗУВЧИ ВА ОЛИМ

ОЛМАОТА, 23 сентябрь. (ТАСС). Олмаота жамоатчилиги атоқли қозоқ ёзувчиси Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг академиги Мухтор Авезовнинг туғилган кунига олтмиш йил, ёзувчилик фаолиятига қирқ йил ва илмий педагогика фаолиятига йигирма беш йил тўлган кунни 28 сентябрда нишонламоқ учун тайёргарлик кўрмоқда. М. Авезов 1897 йилда Семипалатинск областининг Чингиз волостида кўчманчи чорвадор оиласида туғилди. Шаҳардаги беш синфлик рус мактабида ўқиш йиллари унинг ҳаётида муҳим роль ўйнади. Бу мактабда у, Пушкин, Толстой, Тургенев, Шекспир, Мольер асарлари билан танишди.

Авезов Семипалатинск муаллимлар семинариясида ўқиб турган йигитлик чоғидаёқ икки ёшнинг фожиона муҳаббати тўғрисида «Енлиқ ва Кебек» деган пьеса ёзди. Бу пьеса социал проблемаларни кескин қилиб, жуда дадил ва янгича қўйганлиги билан ҳаммани тааажжублантирди.

Авезов бир қанча драматургия асарлари, ҳикоялар, романлар ёзди. Абай тўғрисида ҳаммага маълум бўлган эпопеяни ҳам Авезов ёзган. Унинг қозоқ ва қирғиз эпоси масалаларига доир асарлари ҳаммага манзур бўлди. Авезов — республика Олий Советининг депутати, тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг аъзосидир.

Қозоғистон давлат бадиий адабиёт нашриёти М. Авезов юбилейига атаб «Мухтор Авезов» деган брошюра чиқарди. Қозоғистон Совет ёзувчилари союзи, республика фанлар академияси ва ёзувчи ва олим юбилейини байрам қилиш учун комиссия тузилди.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқимоқдалар

Янгийўл шаҳридаги саноат корхоналарида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўз билимларини янада ошираётган йигит ва қизларни кўплаб учратиш мумкин. Н. Федоренко тикув-пойафзал комбинатида моторчи бўлиб ишлайди. У ўрта маълумот олганидан сўнг ҳам ўқишни давом эттиришга қарор қилди, тикувчилик ишлаб чиқариши бўйича инженер-технолог бўлмоқчи. Нона Ўтган йили Москвадаги Бутуниттифоқ енгил саноат сиртқи институтига ўқишга кирди. Ҳозир комбинатда ишлаш билан бир вақтда институтда ҳам ўқимоқда. Мазкур сиртқи институтда пойафзал цехининг резчити О. Беляев, корхонанинг бош инженери С. Бухтоёров ўртоқлар ҳам ўқимоқдалар. Бундан ташқари, моторчи Р. Афанасьева, пойафзал цехининг брусовщиги А. Белялова ўртоқлар ҳам бу йил сиртқи енгил саноат техникумига ўқишга кирдилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим олиб, шу билан бирга ўзларида меҳнат малакаси ҳосил қилаётган ёшларни шаҳарнинг бошқа корхоналарида ҳам учратиш мумкин.

А. МЕЖИКОВСКАЯ.

Газеталар хабар қилади

ХИМИКЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Тошкент Халқ хўжалиги кенгашининг қарорига мувофиқ Бўстонлиқ район Оқтош посёлкасида электрохимия комбинатининг ишчи ва хизматчилари учун санаторий ташкил қилинадиган бўлди. Шу мақсадда бу ердаги дам олиш уйига қарашли бўлган 20 дан ортиқ бино комбинат ихтиёрига берилди.

(Чирчиқ — «Ленин йўли»).

ОБОДОНЛАШТИРИШ УЧУН ЯНА 50 МИНГ СУМ ПУЛ

Бекобод шаҳар Совети ижроия комитети шаҳарни ободонлаштиришга катта аҳамият бераётир. Бу ерда ҳар йили 100 минг сўмлаб маблағ ободонлаштиришга сарфланмоқда. Яқинда шаҳар ижроия комитети ободонлаштиришга яна 50 минг сўм қўшимча маблағ ажратди. Қўшимча маблағ ҳисобига Киров, Пушкин кўчалари асфальт қилинади, ариқлар тозаланади.

(Бекобод—«Социалистик Бекобод»).

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ СОТИЛМОҚДА

Янгийўл шаҳридаги «Лесторг» склади якка тартибда уй-жой қурувчиларга кўплаб қурилиш материаллари сотаётир. Бу ердан Янгийўл, Сирдарё, Октябрь, Қуйи Чирчиқ ва бошқа районларнинг механкашлари ҳам ўзлари учун керакли бўлган қурилиш материалларини сотиб олмоқдалар. Қисқа вақт ичида «Лесторг» склади орқали қурувчилар учун 1 миллион 700 минг сўмлик қурилиш материаллари сотилди.

(Янгийўл — «Ленинское знамя»).

ЯНГИ АВТОВОКЗАЛ

Янгиер шаҳрида автомобиль тўхтайдиган станция қурилиб битказилди. Ҳозир бу ердан Самарқанд ва Жиззах шаҳарларига пассажир автобуслари қатнаб турибди. Шунингдек ҳар икки соатда Янгиер шаҳридан Тошкентга машина жўнамоқда.

(Янгиер — «Ленинское знамя»).

Колхозда маданий қурилишларга эътибор кучайтирилсин

Янгийўл районидаги «Октябрь» колхози хўжаликни ривожлантириш, пахта хосилини кўпайтириш ва чорвачилик маҳсулдорлигини оширишда катта муваффақиятларга эришди.

Қишлоқ хўжалик экинларидан, айниқса пахтадан мўл ҳосил етиштирилиши, жамоат чорвачилигининг ривожлантирилиши ва унинг маҳсулдорлигининг оширилиши туфайли колхоз экономикаси янада мустаҳкамланмоқда, колхозчилар кўплаб даромад олмоқдалар. Улар бадавлат турмуш кечираётирлар. Ўтган йили пахтанинг ўзидан 8 миллион сўмдан ошиқроқ даромад қилинди.

Бироқ колхоз экономикасининг ўсиб мустаҳкамланиши, маданий қурилиш ишларини ҳар жиҳатдан ривожлантириш имкониятлари бўлишига қарамасдан, маданий-маиший қурилиш соҳасида, колхозчиларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш ва маданий муассасалар қуриш соҳасида колхознинг орқада қолаётганлиги ачинарли бир ҳолдир.

Колхознинг капитал қурилиши учун ажратилган фондида уч ярим миллион сўмлик маблағ бор. Қўшни колхозларда маданий-маиший binolar ва янги типда обод уй-жойлар қуриш қизғин бораётган бир вақтда, шундай илғор коллектив хўжалик бу маблағдан етарли фойдаланмай кейинда қолиб келмоқда.

Райондаги Ленин номли, Свердлов номли ва Ворошилов номли колхозларнинг ҳар бирида ўтган йили 20-30 хонадон учун уй-жой қуриб берилди, биттадан 10-йиллик мактаб биноси қурилиши томомланиб, фойдаланишга топширилди. Молхона, отхона, чўчқахона ва товуқхоналар қурилди. Яхшилаб безатилган дам олиш шийпонлари бор. Демак, гап маблағ ёки қурилиш материаллари йўқлигида эмас, балки «Октябрь» колхози раҳбарларининг бу муҳим ишга, қишлоқ маданиятини юксалтиришга етарли эътибор бермай келаётганликларидадир.

Бадавлат турмуш маданиятли бўлса қандай яхши! Маданий ҳаёт клубларнинг онглилигини, маънавий бойлигини ўстириш учун айниқса зарурдир! Лекин «Октябрь» колхози раҳбарлари буни тушуниб олмаётирлар.

Колхоз раҳбарларида, маданий масалалар билан артель аъзоларининг шахсан ўзлари шуғулланишлари керак, деган нотўғри тушунча бор. Тўғри, бу соҳада колхозчиларнинг ўзлари ҳам активлик кўрсатишлари керак. Аммо колхоз правленниеси ва партия ташкилотининг бошчилиги ва ёрдамисиз бу ишни муваффақиятли амалга ошириш қийин.

Колхозчиларнинг маданий даражаси йил сайин ортиб бормоқда. Улар меҳнатдан қейин чиройли, электрлашган ва радиолаштирилган маданий уйларда роҳатланиб ҳордиқ чиқаришни, клуб, агитпунктларда ва дала шийпонларида лекциялар эшитишни, чинакам маданий ва мазмунли дам олишни истайдилар. Колхозчиларнинг бу истакларини қондириш учун жуда катта имкониятлар ва резервлар бор.

Дала шийпони колхозчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатадиган марказ бўлиши керак. Бу соҳада «Октябрь» колхозида жиддий иш қилинмади, дейиш хато бўлар эди. Тўғри, икки жойда намунали дала шийпони ишлаб турибди. Лекин колхознинг 8 та бригадасида дала шийпони йўқ.

Колхозчиларнинг турли сиёсий, илмий, адабий китобларга талаби кучайиб бораётган бир вақтда, колхозда 4 минг нусха китоб фондига эга бўлган колхоз кутубхонасининг кўп вақтлар беркитуриши кишини ранжитади. Шуни ҳам айтиш керакки, кутубхонадаги китобларнинг кўпи эскириб қолган. Янги китоблар билан унинг фонди бойитилмаётир. Колхозда 1957 йил бошида маданият уйи очилиб, бу маданият уйи ҳозиргача бир кун ҳам ишламаган. Унинг мудири Ўртоқ Сарвар Беганов ўз вазифасини нимадан иборат эканлигини билмайди. Район маданият бўлими (мудири Ўртоқ Бозорбоев) бу аҳволни кўра-била туриб бундай аҳволга нисбатан муросасозлик қилиб келмоқда.

Буларнинг ҳаммаси қишлоқ ободончилиги, артель аъзоларининг маданий турмуш даражаси колхознинг тобора ўсиб бораётган экономикасидан ниҳоятда кейинда қолаётганлигини кўрсатади.

«Октябрь» қишлоқ хўжалик артелида янги қурилиш объектларини кенгайтириш, маданий-орқартув ишларини ҳар тарафлама кучайтириб юбориш район партия ва совет ташкилотларининг вазифасидир.

А. АБДУЛЛАЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Ўйинчоқлар сифатли, арзон ва хилма-хил бўлсин“

Газетамизнинг 18 август сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган мақолада ўйинчоқларга бўлган талаб кун сайин ошиб бораётгани, аммо Тошкент магазинларида сотилаётган ўйинчоқлар хилининг камлиги, сифатининг пастлиги ва уларнинг нархи қимматлиги танқид қилинган эди.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги саноат моллари савдоси бўлимининг бошлиғи Ўртоқ Копаневнинг редакциямизга хабар қилишича, министрлик ўйинчоқлар билан савдо қилишни яхшилаш учун бир қанча тадбирлар белгиланган.

Министрлик «Главкультторг» Ўзбекистон базасининг бошқарувчиси Ўртоқ Исломовга, «1-Ташпромторг» директори Ўртоқ Чиркинга болалар ўйинчоқлари билан савдо қилишни тубдан яхшилаш ва уларнинг хилини кўпайтириш тўғрисида кўрсатма берган.

Кўмир қидириш ишлари жадал олиб борилмоқда

Оҳангарон геологоразведка партияси коллективи янги шахта ва кўмир разрези қурилиши учун қидирув ишларини жадал суръатда олиб бормоқда. Шу кунларда бу коллектив «Шимолий Оҳангарон» кўмир разрезини муфассал текшираётир. Бу участка яқиндан бошлаб очилади.

Қудуқ (скважина) қазувчилар айниқса унумли ишламоқдалар. Коммунист Комил Илёсов бошчилигидаги қазувчилар бригадаси ойлик топшириқни 1,5 баравардан ошириб бажараётир. Булар билан мусобақалашаётган мастер Василий Веретехин бригадаси ҳам доимо ойлик планни 130-150 процентдан бажараётир.

Қидирувчилар илғор иш методларини ҳам кенг қўлланаётирлар. Старший буровой мастер Петр Палагутин кавлаш ишини тўрт марта тезлаштиришни таъминлайдиган қўш труба конструкциясини ишлаб чиқди. Бу янгилик қўлланилиши натижасида меҳнат унумдорлиги қарийб 4 баравар ошди ва қазувчилар иши енгиллашди.

Ишлаб чиқариш илғорлари ва рационализаторлар сафи кун сайин кенгаймоқда.

Ф. ПЕТРОВ.

Қирқ йил муқаддам... 1917–1957

Тошкент 1917 йил сентябрь кунларида

1917 йил ёзида Россия марказидаги революцион ҳаракат таъсири остида Туркистонда, шу жумладан Тошкент шаҳрида ҳам революцион чиқишлар кучайиб кетди.

Революцион ҳаракатнинг юксалишида партиянинг VI съезди қарорлари катта аҳамиятга эгадир. Бу съезд пролетариат ва партиянинг эътиборини қуролли қўзғолонга, социалистик революцияга йўналтирди. Туркистон большевиклари съезд қарорларига амал қилиб, ишчи, солдат ва деҳқонлар ўртасида революцион агитация олиб бордилар.

Тошкент большевиклари, айниқса Н. Шумилов, А. Перщин ва бошқалар Муваққат ҳукумат Туркистон комитетининг халққа қарши ҳаракатини меҳнаткашлар олдида фош қилдилар ва бутун ҳокимиятни Советлар қўлига ўтказиш учун курашни кизитиб юбордилар. Бу курашда рус ишчилари билан бир қаторда Тошкент ўзбек камбағаллари ҳам актив иштирок қилдилар.

1917 йил 11 (24) сентябрда Тошкентдаги Ўлка Совети биносида демократик ташкилотларнинг мажлиси бўлиб, унда революцион комитет тузиш масаласи муҳокама қилинди. Лекин бу ерда большевикларнинг революцион комитет тузиш ҳақидаги талаби амалга ошмади. Шундан кейин большевиклар бу мажлисдан чиқиб кетиб, Тошкент Совети Ижроия комитетининг кенгайтирилган мажлисига борилар ва ревком тузишни таклиф қилдилар.

Большевикларнинг қатъий талабига кўра, ижроия комитет ревком тузиш ва 12 сентябрда «Бутун ҳокимият Советларга!» деган шиор остида оммавий намойиш ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Тошкентда 12 (25) сентябрда Александровский паркида (ҳозирги темир йўлчилар боғи) ишчи ва солдатларнинг кўп минг кишилик митинги бўлди. Бу митингда Султонхўжа Қосимхўжаев, Ориф Бобожонов, Мирйўлдеш Миркамолов, Очил Бобожонов, Мирзоаҳмад Мирҳодиев ва бошқа кўпгина эски шаҳар ўзбек меҳнаткашларининг вакиллари қатнашдилар.

Сўзга чиққан большевиклар бутун ҳокимиятни Советлар қўлига беришни, империалистик урушни тугатишни, саноатда ишчи контроли ўрнатишни ва ерни деҳқонларга бўлиб беришни талаб қилдилар. Митинг қатнашчилари большевистик партиянинг VI съездида тасдиқланган иқтисодий платформа асосида большевиклар томонидан таклиф этилган резолюцияни якдиллик билан қабул қилдилар.

Митингда Муваққат Революцион Комитет сайланиб, унинг составидаги кўпчилик ўринларни революциянинг душманлари эгаллаб олдилар. Ревкомнинг 14 аъзосидан 5 таси большевик бўлса, 5 таси сўл эсер, 2 таси меньшевик ва 2 таси анархист эди.

Революцион ҳаракатнинг зўрайиб бораётганлигини кўрган Турккомитет Ўлка Совети билан ҳамкорликда шошилинч чоралар кўришга киришди. Ревком аъзолари қамоққа олинди, аммо улар революционер ишчилар, солдатлар ва Тошкент Совети аъзоларининг қатъий талаби билан озод қилиндилар. Шундан сўнг ревком яна ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Ревком ва Тошкент Совети шаҳарда революцион тартиб ўрнатиш чораларини кўрдилар: пропоршчиклар мактаби қуролсизлантирилди, озиқ-овқатларни тақсимлаш тартибга солинди, кундалик ташкилий ишлар бўйича секция тузилди, почта ва телеграфга вакил юборилди ва ҳоказолар.

Шунингдек, бўлаётган воқиалар ҳақида маҳаллий аҳолини тўғри хабардор қилиш учун эски шаҳарга махсус делегация ҳам юборилди. Шу пайтда мусулмонлар байрами бўлиб, Шайхантаурга 15 мингга яқин кишн тўпланган эди. Делегация аъзолари Шайхантаурга келиб, тўпланганларга қарата нутқ сўзладилар. Улар ўз нутқларида янги шаҳардаги воқиалар ҳақида сўзлаб бердилар ва эски шаҳарда ялпи тинтув ўтказишга, аҳоли кўлидаги озиқ-овқатларни олишга тайёргарлик кўрилмоқда, деган бўҳтон гапларни рад қилдилар.

Ревком ва Тошкент Совети ижроия комитети Туркистондаги барча Советларга 12 сентябрь ва ундан кейинги воқиалар ҳақида маълумот юбордилар.

Большевиклар кўпчилик бўлган Советлар, Туркистоннинг барча шаҳарларидаги ишчи ва солдатлар Тошкентга табрик телеграммалари юбориб, Туркистон маркази меҳнаткашларининг революцион ташаббусини қувватладилар ва улар билан ҳамкор эканликларини баён қилдилар.

Тошкент воқиалари барча контрреволюционерларни ваҳимага солиб қўйди, улар қайси йўл билан бўлмасин ишчи ва солдатларнинг революцион курашини тўхтатишга киришдилар.

1917 йил 12 (25) сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган кўп кишилик митингни тасвирловчи барльефдан олинган фото-репродукция.

14 (27) сентябрда Турккомитет раиси Наливкин Муваққат ҳукуматдан ҳарбий ёрдам сўради. 16 сентябрда Керенскийдан телеграмма олинди. Бу телеграммада Керенский Тошкент революционерларидан 24 соат ичида Муваққат ҳукумат вакилларига итоат қилишни ва қамоққа олинганларни бўшатишни талаб қилди ҳамда акс ҳолда уларни қаттиқ жазолашни билдирди.

Телеграмма контрреволюционерларни руҳлантириб юборди. Муваққат ҳукуматнинг область комиссарлари аҳолини ревкомнинг буйруқларини бажармасликка чақирдилар. Меньшевиклар эса барча «демократик ташкилотлар» ва Муваққат ҳукуматнинг Турккомитети билан биргаликда муваққат ҳокимият органи тузишни ва Ревкомни тарқатиб юборишни талаб қилдилар. Бунинг устига 15 сентябрда қайта сайланган ижроия комитет составида яна кўпчиликни эсер ва меньшевиклар эгаллаб олдилар. Бу воқиалар 17 сентябрда Ревкомни тарқатиб юборишга олиб келди.

Марказдан жазо отряди юборилганлиги тўғрисидаги хабар тезда бутун шаҳарга тарқалди. Шаҳар меҳнаткашларининг газаби янада ошди. Большевикларнинг чақириғи билан 20 сентябрда Тошкентда умумий забастовка бошланди. Биринчи бўлиб темир йўл бош устаҳоналари (ҳозирги Октябрь революцияси номли паровоз-вагон ремонт заводи) ва Бородин устахонаси (ҳозирги Тошкент депоси) ишчилари иш ташладилар.

Ўзбек ишчилари ҳам забастовкада актив иштирок қилдилар. Бу вақтда эски шаҳардаги бинокорлар касаба союзининг мажлиси бўлиб, унда сўзга чиққан нотиқлар революцион ҳаракатни бостириш учун марказдан Тошкентга жазо отряди юборилганлиги ҳақида гапирдилар ва шаҳар ишчиларининг забастовкасини ҳимоя қилишга чақирдилар. Мажлис Муваққат ҳукуматга ишончсизлик билдириш ва умумий забастовкани ҳимоя қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

Турккомитет бунга жавобан шаҳарда ҳарбий ҳолат эълон қилди, митинг ва намойишларни манъ этди. Тошкент Советининг органи «Наша газета»ни ёпиб қўйди ва бошқа чораларни кўриб, революционерларга қарши курашни кескинлаштириб юборди. 24 сентябрда генерал Коровиченко раҳбарлигидаги пулемёт, броновик ва артиллерия билан қуролланган жазо отряди Тошкентга келди.

Стачка комитети шу куниёқ Коровиченкога ўз қарорини юбориб, ундан Тошкент Советини революцион демократия органи деб танишни, ҳарбий ҳолатни бекор қилишни ва тез вақт ичида Турккомитетни тарқатиб юборишни талаб қилди. Бироқ Коровиченко Стачка комитетининг бу талабларига ҳеч қандай эътибор бермади ва революцион ҳаракатни бўғиш чораларини кўришга киришди. У мақтанчоқлик билан энг қаттиқ чораларни кўриб, исёнчиларни тезда «йўқ қиламан» деб ваъда берди. Коровиченко буйруқ чиқариб, шаҳарда мажлис ва митинг ўтказишни манъ этди ва ревком аъзоларини ҳарбий судга беришни талаб қилди. Аммо у революцион ҳаракатни қуролли куч билан бостиришга ботина олмади. Чунки у ўзининг ҳарбий қисмлари ишончсиз эканлигини сезди.

Большевиклар Коровиченко билан келган солдатлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бордилар. Улар солдатларга Коровиченконинг халқ оммасига қарши сиёсатининг туб маъносини тушунтириб бердилар. Коровиченконинг контрреволюцион мақсадларини билган солдатлар революцион Тошкентга қарши чиқишдан бош тортдилар. Жазо отряди билан бирга келган Пенза отлиқ бригадаси делегацияси вакили Тошкент Совети мажлисида бундай деди: «Бизни бу ерга юбораётганларида Тошкент бандитлар, қароқчилар томонидан босиб олинган, улар солдат ва ишчи оилаларини ўлдирмоқдалар, шаҳар ўт ичида, тинч аҳоли устидан талончилик ва зўрлик қилинмоқда деб айтган эдилар. Биз Келесга келиб тушдик, пиёда юрдик. Душманларни кутдик, лекин ўз ўртоқларимиз ёнига келдик. Биз, албатта сиздан билан ўртоқларимиз ва Тошкент Совети ва ижроия комитетнингнинг буйруқларини бажарамиз».

Наилож аҳволда қолган Коровиченко музокара бошлашга мажбур бўлди. Коровиченко агар умумий забастовка тўхтатилса ҳарбий ҳолатни бекор қилишга ва Тошкент Советининг розилиги бўлмай туриб шаҳар гарнизони қисмларини бир жойдан иккинчи жойга кўчирмаслик ва тарқатиб юбормасликка ваъда берди. Шундан сўнг Тошкент Совети бу масалани ижроия комитет мажлисига қўйди. Мажлисда кўпчилик овоз билан забастовкани тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинди. 27 сентябрда Стачка комитети умумий забастовкани тўхтатишга қарор қилди.

3 (16) октябрда Коровиченконинг вакили билан Тошкент Совети ижроия комитети ўртасидаги музокаралар тамом бўлди, ўзаро битим тузилди.

Шундай қилиб, Коровиченконинг революцион ҳаракатни бўғиш учун қилган ҳаракатлари барбод бўлди. Революцион ҳаракат Туркистоннинг маркази Тошкентда сентябрь воқиаларидан кейин янада авж ола бошлади.

Сентябрь кунларида ишчилар, солдатлар ва ўзбек камбағаллари большевиклар ўз ҳимоячилари эканлигини яна бир марта кўрдилар. Меҳнаткашлар ўртасида большевикларнинг таъсири янада кучайди.

Сентябрь воқиалари Муваққат ҳукуматнинг контрреволюцион сиёсатини бутунлай фош қилди, В. И. Ленин раҳбарлигидаги большевиклар партиясигина халқ манфаатини ҳимоя қилувчи партия эканлигини яна бир марта кўрсатди. Сентябрь кунлари революцион кризис тезда етилаётганлигидан далолат берар эди. Бу воқиалар революцион ҳаракатни кескинлаштириб юборди, социалистик революцияга ўтишда муҳим босқич бўлди.

Сентябрь ойида фақат Тошкентда эмас, балки мамлакатнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида ҳам Муваққат ҳукуматга қарши кураш кескинлашди. В. И. Ленин бу ҳақда бундай деб ёзган эди:

«Сентябрнинг охирида рус революцияси тарихида ва афтидан, бутун дунё революцияси тарихида ҳам, ғоят катта бурилиш юз берди». (Асарлар, 26 том, 60 бет). Сентябрь воқиалари Улуғ Октябрга катта замин тайёрлади. Тошкентда Совет ҳокимиятининг галабаси учун зарур бўлган қуролли қўзғолон яқинлашди.

Ғ. РАШИДОВ,
тарих фанлари кандидати.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚЛИКЛАР ЯНА ҒОЛИБ ЧИҚДИЛАР

Район колхозлари давлатга пландан ташқари яна 11 минг тонна каноп ва жут пояси етказиб бериш тўғрисидаги қўшимча мажбуриятларини шараф билан бажариш учун курашмоқдалар

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаймиз

Юқори Чирчиқ район колхозчилари, механизаторлари олдида бу йил каноп ва жут экинларидан ўтган йилгига қараганда анча кўп ҳосил етиштириш — давлатга 38.500 тонна каноп ва жут пояси топшириштек муҳим вазифа турар эди. Механизаторларимиз, колхозчилар бу юксак мажбуриятни шараф билан бажариш учун баҳорнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ ишга пухта тайёргарлик билан киришдилар. 7 минг гектар майдонга экилган каноп ва жут экинларини парвариш қилиш ўз вақтида юқори сифатли қилиб ва агротехника қоидалари асосида ўтказилди.

Районимиз колхозчилари, механизаторларининг фидокорона меҳнати яхши натижалар берди. Биз 23 сентябрда каноп ва жут экинлари ҳосили етиштириш юзасидан белгиланган давлат планини 102,4 процентга етказиб адо этдик. Биз бу ютуқларга қандай қилиб эришдик? Шуни айтиш керакки, бу йил каноп ва жут экинлари парваришини ўтказишда бирмунча қийинчиликларни енгишга тўғри келди. Бу йил кўкламда об-ҳаво бирмунча ноқулай келди. Шу туфайли бир неча юз гектар майдонга каноп ва жут қайтадан экилди. Колхозчилар, механизаторларимиз мажбуриятни бемалол бажариш имкониятини берадиган даражада ҳосил етиштириш учун ишонч билан астойдил меҳнат қилдилар. Бу ишонч муваффақиятларга эришишимизда ҳал қилувчи факторлардан бири бўлди.

Районимиз меҳнаткашларини янгилан-янги ютуқларга руҳлантирган асосий факторлардан яна бири шу бўлдики, каттадан-кичик Улуғ Октябрнинг 40 йиллигига байрамини меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил курашди. Ўзаро социалистик мусобақа кучайтирилиб, колхозлар, бригадаларарО бу мусобақа шартларининг бажарилиши тез-тез текшириб турилди.

Колхозчиларимиз мўл ҳосил етиштириш ишига киришар эканлар, биринчи шарт қилиб ҳар бир гектар ерда камида бир миллион туп кўчат бўлишига эришишни мақсад қилиб олдилар. Улар ўзаро ҳамкорликда ишлаб, ана шу мақсадни тўла амалга ошириш учун кураш олиб бордилар. Бу йил обҳавонинг ноқулай келганлигини ҳисобга олганда, ҳар гектарда камида 1 миллион тупдан кўчат бўлишига эришишни таъминлаш қийин масала. Районимизда экиш ишлари қайта ўтказилмаган биронта ҳам колхоз бўлмаганлиги бунга мисол бўла олади. Бироқ шунга қарамай районимиз қишлоқ хўжалик ходимлари экиш ишларини муваффақиятли ўтказдилар — район бўйича ҳар гектар ерда 800 мингтадан кўчат ўстирилди.

Районимиз колхозларида баҳорги экиш ишларининг гоят қисқа муддат ичида — 8-10 ишчи кунида ўтказилганлиги ҳам мўл ҳосил етиштиришда ҳал қилувчи роль ўйнади. Айниқса «Политотдел» (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хван Нам Гим), «Ленинский путь» (раиси Ни Глеб Романович), «Правда» (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Цой Иван Антонович), «Коммунизм» (раиси И. Юсупов), «Ўзбекистон ССР 25 йиллиги» (раиси Пак Ден Хиб) колхозларининг ва бу хўжаликларда хизмат қилган механизаторларнинг мўл ҳосил етиштириш йўлида олиб борган курашлари, фидокорона меҳнатларини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Бу илғор хўжаликларда ерни шудгорлашдан тортиб экиш ва парвариш ишларининг деярли барчаси бир-бирига боғлаб ўтказилди.

Район партия комитети ва район ижроия комитетининг ходимлари канцеляриячилик ва қоғозбозликдан воз кечиб, колхозларга конкрет раҳбарлик қилишда, у ёки бу масалани ҳал қилишда хўжаликнинг иқтисодини чуқур ўрганиб сўнгра ишга киришишга ҳаракат қилдилар.

Колхоз партия ташкилотлари ҳам каноп ва жут экинларидан мўл ҳосил етиштириш ишини муваффақиятли бажариш учун астойдил кураш олиб бордилар. Терентий Васильевич Эм, Ким Сан Фир, Чан Бон Дон, Сенгукул Айдаров каби ўртоқлар секретарь бўлган партия ташкилотлари айниқса яхши ишладилар. Бу ўртоқлар барча коммунист ва комсомоллар иши устидан тўғри раҳбарлик қилиб бордилар, уларни мўл ҳосил етиштиришдек муҳим ишга тўла сафарбар қиллилар. Шунинг учун ҳам бу колхозларда каноп ва жут экинлари парвариши ва бу экинларнинг ҳосилини йиғиштириб олиб давлатга топшириш анча уюшқоқлик билан ўтказилди.

Механизаторларнинг колхозчиларга берган ёрдами ҳам самарали бўлди. Бу жиҳатдан 2-МТС (директори ўртоқ Моргунов) коллективи яхши ишлади. Мусобақадош Қуйи Чирчиқ районининг колхозчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари ҳам бизга катта ёрдам бердилар. Улар бизнинг колхозларимизда тез-тез бўлиб турдилар, эришилган ютуқларимизни қайд қилиш билан бирга камчиликларимизни ҳам кўрсатдилар ва уни тузатиш йўлларини айтиб бердилар.

Кўрониб турибдики, районимиз меҳнаткашлари қўлга киритган ютуқлар қувончлидир. Бироқ ҳали ишимизда қатор камчиликлар ҳам бор. Бу камчилик, дастлаб, илғор колхозлар билан иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган колхозлар ўртасида катта тафовут борлигидадир. Илгари қолоқ ҳисобланган «ЎзССР 25 йиллиги» колхози районимиздаги энг илғор колхозлардан бирига айланди. Бу колхоз планни 8 сентябрдаёқ бажарди. Ҳозир каноп ва жут тайёрлаш давлат плани 150 процентга етказилди. Аммо Ворошилов номли (раиси ўртоқ Садирова), Куйбишев номли, Жданов номли колхозларда эса ҳосил жуда кам бўлди. Бу колхозларда каноп-жут тайёрлаш 20-45 ва 47 процентга етказиб адо этилди, холос. Бу камчилик шунинг учун ҳам рўй бердики, ана шу колхозларда ишчи кучлари ва моддий-техника воситаларидан унумли фойдаланилмади, мўл ҳосил етиштириш учун курашда колхозчилар ва механизаторларга тўла шароит яратиб берилмади. Район партия ташкилотининг вазифаси — бу колхозларни олдинги колхозлар қаторига етказиб олиш учун бутун чораларни кўришдан иборат.

Ҳали далаларимизда ҳосил мўл. Бу ҳосилни йиғиштириб олиш ва давлатга топшириш ишларини қизғин давом эттирамиз. Колхозчиларимиз, механизаторларимиз, қишлоқ хўжалик мутахассислари ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб пландан ташқари яна 11 минг тонна каноп ва жут пояси топширишга қарор қилдилар. Бу, пландан ташқари гектардан 19,2 центнердан ортиқ ҳосил етиштириш демакдир.

Биз ишонч билан айтамизки, районимиз меҳнаткашлари—колхозчилар, механизаторлар фидокорона меҳнат қилишни давом эттириб етиштирилган каноп ва жут экинлари ҳосилини сира нобуд қилмай йиғиштириб оладилар ва қўшимча ҳосил топшириш юзасидан олган мажбуриятларини ҳам муваффақиятли бажариб, Октябрнинг 40 йиллигига муносиб совға тайёрлайдилар.

Й. ИБРОҲИМОВ,
Юқори Чирчиқ район партия комитетининг секретари.

10,5 минг тонна каноп ва жут етказиб берамиз

Бу йил биз ҳам пахтакор колхозларда бўлганидек ҳосил етиштириш соҳасида қийинчиликларга дуч келдик. Каноп, айниқса жут уруғини бир текис ундириб олиш учун қаттиқ меҳнат қилдик. Чунки экишдан кейинги бўлган қурғоқчилик уруғнинг яхши унишин учун халал берди. Бунинг устига ўша кезларда сув етишмай қийналдик.

Лекин мўл ҳосил етиштиришга қарор қилган ва ҳар йили ҳам бу соҳадаги ўзларининг социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариб келган колхозчиларимиз, механизаторлар ана шу қийинчиликларнинг ҳаммасини зўр меҳнат қилиб енгдилар ва барча майдонларда мўлжалдаги кўчатнинг бўлишига эришдилар. Биз ҳали уруғ ундириб олинаётгандаёқ ҳар гектар ерда 1 миллион тупдан кўчат бўлиши учун кураш бошладик. Чунки ҳар бир киши — каттадан-кичиккача мўл ҳосилнинг тақдирини кўчатнинг нормал бўлиши ҳал қилишини жуда яхши билар эди. Кўчат текислаб олинди. Ана шундан кейин ишнинг иккинчи — қийинроқ палласи бошланди. Бу ерда бизнинг колхозчиларимиз айтганидек жут ва каноп ни ўтдан тозалаш мисоли пиёз ўтоғидек қийин иш бўлганлиги учун колхоз правлениеси ва партия ташкилоти барча кучни экинни ўтдан тозалашга ҳамда бир туп каноп ёки жутнинг зарпечакдан зararланмаслигига эришишга сафарбар этди.

Кўпчилик меҳнати ўз муваффақиятини кўрсатди. 885 гектар ерда пландагидан кўп ҳосил етиштира олдик. Йиллик план бажарилган бўлса ҳам ҳали даламизда ҳосил кўп. Колхозчилар ва механизаторлар Улуғ Октябрь байрами шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, қолган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш — ҳаммаси бўлиб давлатга **10,5 минг тонна** каноп ва жут етказиб бериш тўғрисидаги мажбуриятларини шараф билан бажариш учун курашмоқдалар. Ҳозир 18 та НП-9 агрегати ишлаб турибди. Бўлар билан жутнинг кўкпоясини шилиш қизғин давом эттирилмоқда. Илғор агрегатлар, масалан ўртоқ Ким Пен Хан бошқараётган агрегат жут поясининг пўстлоғини шилиш нормасини анча ошириб бажармоқда.

Бу йилги қийин шароитда мўл ҳосил етиштира олган колхозчиларимиз ва тракторчилар келгуси йилдан ҳам юқорироқ ҳосил олиш учун ҳозирдан бошлаб тайёргарлик кўраётирлар. Тракторлар ҳосили йиғиштириб олинган далаларда кузги шудгор ўтказмоқда. Бу соҳада Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Цой Иван механик бўлган трактор бригадаси олдинда кетаётир .Бу бригада тракторчилари ҳозиргача 100 гектарга яқин ерни шудгор қилиб қўйдилар.

Колхозимиз аъзолари район бўйича олинган қўшимча мажбуриятнинг ошириб бажарилишига мусобақа ҳисса қўшиш учун ҳозирги ғанимат фурсатдан тўла ва унумли фойдаланиб астойдил ишлайдилар ва 10,5 минг тонна луб экинлари ҳосили етказиб бериш тўғрисидаги социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарадилар.

ЦОЙ ИВАН АНТОНОВИЧ,
«Правда» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

КАНОП ВА ЖУТ ЕТИШТИРИШДАГИ ИЛҒОРЛАР

Суратда: Свердлов номли колхозининг звено бошлиғи Пак Ди Нук.

Суратда: «Ўзбекистон ССР 25 йиллиги» колхозининг аъзоси Т. Назаров.

Суратда: «Правда» колхозида ишлаётган бригада механиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Цой Иван.

Суратда: «Ўзбекистон ССР 25 йиллиги» колхозининг раиси Пак Ден Хиб.

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Меҳнат гаштин сураётганлар...

...Бу ерларнинг ўтмиши ҳақида гап кетганда, анави ер тўқайзор эди, ҳув анави жой батқоқлик эди. Нарироққа борсангиз чангалзор эди, деб ҳикоя қилишади. Қачон, бундан неча йил илгари шундай эди. Колхоз раиси кекса деҳқон Цой Иван Антонович сўзлар экан, фидокор кишиларнинг иродасига, жасоратига қойил қоласиз. Ахир батқоқни қуритиб экин экиш, трактор юрса лопиллаб турадиган ер устига иморат қуриш, «чивин тепалар» ўрнида боғлар пайдо қилиш, тўппа-тўғри йўллар, кўчалар чиқариш учун озмунча меҳнат сарфландими?

Балли йигитларимизга, сира-сира унутмаймиз аёлларимизни. Тиззаларидан лой кечиб ерни-ер қилдилар, тўғри кўча чиқариб икки томонига кўчат ўтқаздилар, сезаяпсизми, қишлоғимизда тол кўп. Нимага, бунинг боиси шуки, тол тупроқдаги сувни тез ва кўп тортади, шу билан бирга тол тез етиладиган дарахт, икки-уч йил ичида бир заруратингизга малҳам бўла қолади.

Колхоз раисининг шу сўзларини жон-жон деб эшитиб ўтирарканмиз, бу ердагиларни ишни бошиданоқ пишиқ қилганига қойил қолганлигимизни суҳбат орасида шипшитиб қўйдик. Шунда раис, «ишда тартиб бўлмаса, қишлоқ кўркам бўлмаса, одамлар бу ерга муҳаббат қўймас эди-да» деди.

Тўғрида, бир хил қишлоққа борсангиз ўйлар илон изи чизиқ тортиб қурилганми, дейсиз. Бири кўчага туртиб чиққан бўлса, иккинчиси ичкарига чекинган. Бу-ку майлия, ким қандай формада қурмоқчи бўлган бўлса қураверган. Раис ҳам, парторг ҳам, райондан келган раҳбарлар ҳам бир нима дейишмаган. Бежирим, янги типда уй қуриб олишга ҳозирги вақтда ҳар бир колхозда, колхозчида имконият йўқ, дейсизми. Бор. Хўш, бўлмаса нега шундай қилишмайди. Бу узоқ жумбоқ. Янгийўлла ҳам, Чиноза ҳам шунақа қишлоқлар бор. Бу ерда шу тўғрида кўп гапиришиш ҳонаси эмас. Тасвирланаётган колхоз қишлоғи дид билан жуда чиройли қилиб қурилганига ҳавасимиз келгани учун, шу колхоздан ҳам катта имконият эга бўлган айрим колхозларда янгича, қатъий тартиб асосида қайта қуридиш олиб борилмаётганлигига ачиганимиз учунгина бу материал темасидан бироз чекага чиқишга тўғри келди.

Ҳашаматли идора, унинг атрофида истироҳат боғи, ўртадаги гулзор... Кўчалар кенг ва тўппа-тўғри. Икки томонидаги кўп хонали уйлар режаси гўё бир киши тортган чизиқ устига қурилгандек, адл... Мактаб, туғруқхона, ошхона, саноат ва озиқ-овқат моллари магазинлари. «Хўжалик саройи», деб дарвозасига завод форма ёзиб қўйилган сарой, унинг ёнида гараж бор. Колхознинг ўттизга яқин юк машинаси, «ЗИМ»и, «Победа»си бор экан.

Раисга далани кўрсак, деган эдик, у дарров рози бўла қолди ва гаражга телефон қилиш учун трубкани қўтарганида шу ерда биз билан суҳбатлашиб ўтирган бригада механиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Цой Иван раисни тўхтатди ва:

— Мен машинамни олиб келаман, — деди.

Раис трубкани қўйди, Цой Иван шошилганича ташқарига чиқди. Орадан кўп ўтмай идора олдига «ЗИМ» келиб тўхтади.

Йўлда кўпроқ деҳқончилик тўғрисида гаплашиб кетдик. Колхоз раиси қизиқ бир гапни айтиб берди.

— Зарпечак экиннинг ашаддий душмани, — дея гап бошлади у,— аммо каноп, айниқса жут зарпечакдан шунчалик қўрқадики, зарпечак илашган жутни ё бутунлай юлиб ташлаш керак, ёки ўша текинхўрни битталаб териб чиқиш лозим. Биласизми, далани зарпечакдан тозалаш даври келганда ишга каттадан-кичик чиқади...

— Зарпечакнинг далага кам тарқаш йўлини тополмабсизларда?

— Шу йўлни ҳали ҳам ахтараяпмиз, — кулиб жавоб берди раис, — қани энди бизга шу соҳада олимлар ёрдам беришса! Мен ўзим шахсан бир нарсани синаб кўрдим. Икки-уч йиллан бери текшириб тураман: маккажўхори экилган жойда келгуси йили зарпечак кам тарқалмоқда. Бу экиннинг ўзигаю зарпечак мутлақо ёпишмас экан. Қизиқ, ҳатто маккажўхори ичида ўсган ўтга ҳам зарпечак тушмайди. Демак, шу ерда бир сир бор. Кўпчилик билан, айниқса тажрибали деҳқонлар билан маслаҳатлашиб кўрган эдим улар:

— Бўлмаса каноп-жут билан маккажўхорини алмашлаб эксак бўларканда, — дейишди.

—Бундай қилиш мумкин эмас,— сабаби каноп-жут майдони салкам тўққиз юз гектар, маккажўхорини 50-60 гектардан ортиқ ерга экишга эҳтиёж йўқ. Демак бу масалани ечиш мураккаб. Узоқ ўйлаш, билимдон кишилар билан маслаҳатлашиш туфайли яна бир фикр туғилди.

— Каноп-жут экилган икки дала ўртасидаги махсус майдонга маккажўхори эксак нима бўларкин. Шундай қилиб кўрдик, ҳақиқатан ҳам шу пайкаллардаги каноп-жутга зарпечак кам тушди. Демак зарпечак маккажўхоридан жуда қўрқар экан. 1958 йилдан бошлаб кўп еримизда шундай қилмоқчимиз.

Далаларни айландик. План тўлганига анча кун бўлганига қарамай ҳали ҳам жутнинг кўк поясини даланинг ўзида машина билан шилиш кизғин давом эттирилмоқда. Ҳосили йиғиштириб олинган пайкалларда трактор шудгор кўтаратётир.

Юқори Чирчиқнинг каноп-жут экадиган бошқа колхозларида ҳам бўлдик. Бу ерларда хўжаликнинг тез ўсаётганлиги қишлоқ кишилари тўқ ва маданий турмуш кечираётганликларининг гувоҳи бўлдик. «Политотдел» колхози бундан икки йил илгари қолоқлар рўйхатида эди. Ҳозир илғорларнинг илғори. Бултур қамишлар ўсиб ётган ер текисланиб кўча чиқаришлиби ва кунчиқарга қаратиб қатор уйлар қурилибди. «Ўзбекистон ССР 25 йиллиги» колхози ҳам ана шундай юксалишда...

«Правда» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Цой Иван Антонович айтгандек райондаги ҳамма колхозларда ҳам экинлар ҳосилини ошириш учун ҳар бир киши қурашмоқда. Ана шу кураш йил ўтган сайин ўзининг порлоқ натижасини бераётир. Район колхозлари каноп ва жутдан рекорд ҳосил етиштириш ҳаракатидалар!

Тўқайларни боғ-бўстонларга, экинзорларга, гўзал қишлоқларга айлантираётган кишилар фидокорона меҳнат қилиб ана шу меҳнатларининг гаштини ҳам сурмоқдалар.

С. МАҲКАМОВ.

Улуғ байрамга совғамиз

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини муносиб кутиб олишга қарор қилган бригадамиз аъзолари ёз бўйи фидокорона меҳнат қилдилар. Контрактация плани бўйича 125 гектар ернинг ҳар гектаридан 76 центнердан каноп етиштиришимиз керак эди. Бригада аъзолари бу мажбуриятларини ошириб бажариш учун агротехниканинг барча қоидаларини тўла амалга оширдилар. Бригадамизда каноп ва жут уч қаторлаб экилди. Бу, ҳар гектар ерда кўчатнинг мўлжалдагидан кўп бўлишини таъминлади.

Биз йиллик планни 5 сентябрда бажарган эдик. Шундан кейин ҳам ҳосил топширишни қизғин давом эттирмоқдамиз. Ҳозиргача олган каноп ҳосилимиз ҳар гектарига 223 центнерданга тўғри келди. Шу хилда рекорд ҳосил етиштиришнинг ўзи бўлмади. Колхозчиларнинг механизаторлар билан мустаҳкам ҳамкорлиги бу соҳада катта роль ўйнади.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти мўл ҳосил етиштириш учун астойдил ишлашимизга ҳар тарафлама қулай шароит яратиб бердилар. Пул ва галла авансларини ўз вақтида бериб турилди, агитаторлар бизни газета-журналлар, ҳар хил янгиликлар билан ўз вақтида таништирдилар, илғорлар тажрибасини мунтазам сўзлаб бердилар.

Шу кунларда бригадамиз аъзолари даладаги жутни тезроқ йиғиштириб олиш учун курашмоқдалар. Жут кўкпоясини шилаётган агрегат коллективи иш унумини кун сайин оширмоқда. Агрегатнинг тўхтовсиз ва унумли ишлашини таъминлаш учун ўроқчилар ғайрат кўрсатмоқдалар. Улар кундалик нормаларини 2-3 ҳиссага етказиб бажариш мақсадида ўзаро мусобақалашиб меҳнат қимоқдалар.

Мўл ҳосил етиштиришда ва уни сира нобуд қилмай йиғиштириб олишда ўртоқ Ким Ден Хо бошлиқ звено аъзолари бошқаларга намуна кўрсатаётирлар. Звено аъзолари гектаридан 230 центнердан ҳосил йиғиб олиш юзасидан олинган мажбуриятни бажариш учун шу кунларда астойдил курашмоқдалар.

Биз ҳосилни йиғиштириш билан бирга келгуси йил мўл ҳосилни кутиб ҳам тайёрланмоқдамиз. Ерларимиз шудгор қилинаётир.

Байрам шарафига мусобақалашиб ишлаётган ҳар бир колхозчи ва механизатор топширилган вазифани муваффақиятли адо этиш учун бундан кейин ҳам астойдил меҳнат қилади. Она-Ватанимизга ҳар гектар ердан 230 центнердан ҳосил топшириш тўғрисидаги қўшимча мажбуриятимизни ҳам муваффақиятли адо этамиз.

КИМ ГЕ СУН,
Свердлов номли колхозининг бригада бошлиғи.

Ҳосилнинг бир грамми ҳам нобуд бўлмайди

Колхозимиз ўтган йилларда кам ҳосилли хўжалик ҳисобланар эди. Қишлоқдаги ҳар бир киши колхозни юқори ҳосилли хўжаликка айлантиришни орзу қиларди. Кўпчиликнинг орзуси фидокорона меҳнат туфайли юзага чиқди. Бултур колхозимиз ўрта даражадаги колхозлар қаторига чиқиб олди. Эришилган муваффақиятлар мустаҳкамланиб, 1957 йил мўл ҳосили учун ҳарбир киши астойдил курашди.

Мен ишлаётган бригада аъзолари ҳам дала ишларини ўтказишда олдинда кетаётирлар. Мен ёзда сувчилик қилган эдим. Маълумки бу йил сув бирмунча кам бўлди. Шундай шароитда сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш роят катта роль ўйнаганини ҳар бир киши билади. Мен каноп ва жутнинг қониб сув ичиши учун курашдим. Экининг намлиги қолишига йўл қўймадим. Ҳозирги кунларда ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишда бошқалар қатори астойдил меҳнат қилмоқдаман.

Биз колхозимиз бойлиги қанча кўпайса колхозчиларнинг турмуши шунчалик фаровон бўлишини яхши биламиз. Бу йил колхозимизнинг йиллик даромади 10 миллион сўмдан ошиб кетади. Дастлабки ҳисобларга қараганда ҳар бир меҳнат кунига 35 сўмдан пул, 4,5 килограммдан галла тақсимлаш мўлжалланмоқда.

Т. НАЗАРОВ,
«Ўзбекистон ССР 25 йиллиги» колхозининг аъзоси.



«Политотдел» колхозининг аъзолари жут кўк поясини механизация асосида шилишни намунали ўтказмоқдалар Суратда: Колхоз даласида.

Г. Пун фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Тошкентлик студентлар кўриқ ерларда

Акмолинск областидаги «Рентабельний» совхози 1955 йилда кўриқ ерларда ташкил этилган янги галлакорлик хўжаликдир. Бу хўжалик ҳозиргача 40 минг гектардан кўпроқ ерни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритган. Хўжаликни барпо этиш ва унинг материал-техник базасини вужудга келтириш учун барча тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу ўтган даврда кўплаб ўй-жой, 4 та галла омбори, 3 та чорвачилик бинолари қурилди. Совхоз ҳозир 120 трактор, 50 автомашина ва бошқа кўп хил қишлоқ хўжалик машиналарига эга. 120 ўзюрар ва оддий комбайнлар билан шу кунларда галла ўрилмоқда. Бу йил галла ҳосили анча мўл бўлди, яйловларда ўт ҳам сероб. Шундай қилиб, «Рентабельний» совхози янги хўжалик бўлишига қарамай, тез суръат билан ривожланаётир.

Биз Тошкент молия-иқтисод институтининг студентлари ўзимизнинг ёзги каникулимизда ўрим-йиғимни ўтказиш, ем-хашак жамғариш ва қисман қурилиш ишларида ёрдам бериш учун кўриқ ерларда ташкил этилган бу янги совхозга келдик. Совхоз дирекцияси, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари бизни гоят мамнуният билан кутиб олдилар, яхшигина маданий-маиший ва иш шароитини яратиб бердилар. Бу, унумли меҳнат қилишимизни таъмин этди.

Студентларимиз группаларга бўлиниб, совхознинг асосий ишлаб чиқариш бригадалари ва участкаларига бириктириб қўйилди. Студентлар комбайн ёрдамида, машина билан сомон-поҳолни тўдалаш, ғарамлаш ва ҳоказо ишларни бажардилар. Ғ. Салимбоев, И. Ғуломов, М. Жалилов ва шулар каби ўнлаб ўртоқлар штурвалчилик вазифасини айниқса маҳорат билан адо этдилар. Кўпгина қизларимиз, шу жумладан Ш. Қосимова, М. Ортиқова, Б. Бабришева кабилар машина билан сомон-поҳолни тўдалаш ва уларни ғарамга босиш ишларини жуда яхши ўрганиб олдилар.

А. Султонбеков, У. Гурисов ўртоқлар бошчилик қилаётган бир группа студентлар пичан тайёрлаш ва шунга боғлиқ бошқа ишларда қатнашдилар. Улар 25 кунда 150 тонна пичанни ўриб, йиғиштириб ғарамга босдилар. Р. Тигирова, С. Саримсоқовалардан иборат группамиз силос тайёрлашда ишладилар. Булар 3 та силос комбайни билан 15 кунда 300 тоннадан кўпроқ силос босдилар.

Студентлар қурилиш ишларида ҳам яхши ишладилар. А. Абдувоҳидов, С. Хасантоев ва бошқа бир неча киши галла омборларида 1,5 минг квадрат метр полга бетон ётқиздилар. Улар қурилиш материалларини олиб келиш, тайёрлаш ва полга ётқизиш ишларининг ҳаммасини ўзлари мустақил равишда бажардилар. Бу омборга шу кунларда янги галла ҳосили тўкилмоқда.

Суратда: Мактуба Назирова ва Назира Ғафурова ўртоқлар машинадаги галлани бўшатмоқдалар.

Суратда: А. Маматказина ва Т. Холматов ўртоқлар ўз ишларидан гоят хурсандлар.

Қизлардан иборат 2 группа ташкил этилди ва улар ғишт қуйиш билан шуғулландилар. Улар 20 кунда 30 мингдан ортиқ ғишт қуйиб бердилар. Бу ғиштлар дала шийпонлари ва уй-жойлар қурилишларига ишлатилади.

Биз ўз ишимизда бир қатор қийинчиликларга келдик. Лекин биз кучли ирода, чидам билан бу қийинчиликни енгдик. Сал кундаёқ биз ўша ердаги ўртоқлар билан бир сафда белни маҳкам боғлаган ҳолда, дадил ишлаб кета олдик.

Партия, ҳукуматимизнинг халқимиз моддий фаровонлигини тобора ошириш йўлида амалга ошираётган муҳим тадбирларидан бири — кўриқ—бўз ерларни ўзлаштиришда ҳар бир совет кишисининг ёрдам бериши унинг шарафли бурчидир. Биз ана шу бурчимизни бажариш мақсадида озгина бўлса ҳам мамлакатимиздаги катта ишга ўз ҳиссамизни қўшдик. Лекин биз учун яна бир муҳим томони шу бўлиб қолдики, қўриқдаги совхозда ишлаш натижасида биз меҳнат малакасини ҳосил қилдик, қишлоқ хўжалик ва қурилиш ишларида маълум даражада касбни ҳам эгалладик. Бундан кейинги йилларда кўриқ ерларга борганимизда янада яхшироқ ва унумлироқ ишлашимизга ишончимиз комилдир.

Т. САЪДУЛЛАЕВ.

Тошкент молия-иқтисод институтининг кўриқ ва бўз ерларга борган студентларининг раҳбари.

Суратда: ТИИИМСХнинг студентларидан (чапдан ўнгга) **У. Самитов, У. Нишонбоев, А. Жамолқараев** ўртоқлар. «Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирганлиги учун» значоги билан мукофотланган бу студентларнинг бригадаси кунига 500 тоннага етказиб дон ортмоқда.

В. Соловьёв фотолари.

ЎРТОҚ ГЕОРГИЙ ДАМЯНОВНИНГ 65 ЙИЛЛИГИ

СОФИЯ, 23 сентябрь. (ТАСС). Болгария Коммунистик партияси ветеранларидан бири Болгария Халқ мажлиси президиумининг раиси ўртоқ Георгий Дамянов бугун 65 ёшга тўлиши муносабати билан газеталар Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ўртоқ Георгий Дамяновга табрикономасини ҳамда Халқ мажлиси президиумининг унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш ва Георгий Димитров ордени билан Олтин юлдуз топшириш тўғрисидаги фармонини эълон қилмоқдалар.

Газеталар шунингдек ўртоқ Г. Дамяновга совет халқи номидан ва шахсан ўз номидан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. Е. Ворошилов юборган табрикономани эълон қилмоқдалар. Яна шунингдек ўртоқ Георгий Дамяновни Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинди.

СУДАН ДЕҲҚОНЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Судандаги Гезира райони ижарачилар союзининг СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган делегацияси 24 сентябрда Москвадан Тошкентга келди. Делегацияга союзнинг раиси Аҳмад Бобекир Ализерик бошчилик қилмоқда.

Тошкент аэродромида суданлик меҳмонларни Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг масъул ходимлари, жамоатчилик вакиллари кутиб олдилар.

Судан деҳқонлар союзининг аъзолари Ўзбекистонда бир неча кун бўлиб, республика қишлоқ хўжалигининг ривожланиши билан танишадилар. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ИППОДРОМИДА

Тошкент давлат ипподромида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон чавандозларининг от-спорт мусобақаси бўлди. Суратда: Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг мукофотини олган «Қиморбоз» деган чопқир от. Бу от 2800 метр масофани 3 минут 23 секундда босиб ўтди. Чавандоз **М. Усмонов** (чапда) ва тренер **Г. Левадний.**

Б. Мазур фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ XII СЕССИЯСИ

НЬЮ-ЙОРК, 23 сентябрь. (ТАСС). Бош Ассамблеянинг бугун эрталабки ялпи мажлиси бошланиши билан делегатлар Норвегия короли Хокон VII нинг ва Финляндия композитори Ян Сибелиуснинг хотирасини ҳурматладилар.

Сўнгра, умумий сиёсий дискуссия давом эттирилди. Перу ташқи ишлар министри Мануэль Сиснерос сўзга чиқиб, «зўр бериб қуролланишнинг давом эттирилиши ялпи суратда ўз-ўзини ўлдиришга олиб келиши мумкин» деди. Бироқ, шундан сўнг у қуролсизланиш масалаларига бағишланган музокаралар бошланиши берк кўчага кириб қолганлиги учун айбни ғарб давлатларидан олиб, Совет Иттифоқига тўнкашга уринди.

Перу вакили кам тараққий қилган мамлакатларга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида техника ва молия ёрдами кўрсатишни кенгайтиришга чақирди.

СУРИЯ МАТБУОТИ СССРНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИДАГИ ПОЗИЦИЯСИНИ ТАБРИКЛАМОҚДА

ДАМАШҚ, 23 сентябрь. (ТАСС). Ҳамма газеталар СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясидаги нутқига катта эътибор бермоқдалар. Газеталар бу нутқнинг муфассал мазмунини биринчи саҳифаларда ва катта сарлавҳалар остида босиб чиқармоқдалар.

«Аррай алъом» газетаси бундай деб ёзади: «Совет Иттифоқи ғарб давлатларини Ўрта Шарқда куч қўлланишдан воз кечишга ва бу райондаги мамлакатларнинг ички ишларига аралашмасликка чақиради».

«Аннур» газетаси А. А. Громиконинг нутқига бағишланган бош мақоласида Совет Иттифоқининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги позициясини қизғин табриклайди. Газетанинг уқтириб ёзишича, бу нутқ «гоят равшан ва қатъийдир. Бу нутқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси бўлган ҳамма давлатларни тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ҳамда халқаро кескинликни юмшатиш ишида тарихий жиҳатдан жавобгар қилиб кўяди».

Собиқ гитлерчи генерал Шпейдель Лондонга келди

ЛОНДОН, 23 сентябрь (ТАСС). Ҳозирги вақтда Шимолий атлантик блокининг Европа марказий зонасидаги қуруқлик қўшинлари қўмондони бўлиб турган собиқ гитлерчи генерал Шпейдель бугун Лондонга келди. Хабар беришларига қараганда, Шпейдель Англия мудофаа министри Сэндис, ҳарбий министр Хэйр, империя бош штабининг бошлиғи генерал Темплер ва Англиянинг бошқа ҳарбий раҳбарлари билан музокаралар олиб бормоқ учун келган. Инглиз матбуотининг ёзишига қараганда, бу музокаралар асосан Англиянинг Ғарбий Германияда жойлаштириладиган қуролли кучлари сонига бағишланади. «Йоркшир пост» газетасининг бир хабарида айтилишича, НАТОнинг Европадаги қуролли кучлари олий бош қумондони америкалик генерал Норстэд Англиянинг ўз қўшинлари сонини қамайтирмоқчи бўлганлигига қарши эътироз билдирмоқда.

Инглиз жамоатчилиги Шпейделнинг Англияга келганлигидан ғазабланмоқда. «Собиқ ҳарбий хизматчилар — тинчлик тарафдорлари ҳаракати» кеча резолюция қабул қилган. Резолюцияда бундай дейилади: «Биз унинг уруш вақтида қилган ишларини ҳали унутганимиз йўқ. Унинг Англияга келиши инглиз халқини ва айниқса герман милитаризмини тугатиш учун курашиб, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг хотирасини таҳқирлайди».

Тинчликни ҳимоя қилиш Англия комитети баёнот эълон қилиб, «собиқ ҳарбий хизматчилар — тинчлик тарафдорлари ҳаракати» ташкил этаётган норозилик митингини қувватлашга чақирди.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

* Францияда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошиб бормоқда. Расмий маълумотларга қараганда, сўнги ҳафталарда ёғ, тухум, бир қанча гўшт маҳсулотлари, пишлоқ ва баъзи меваларнинг нархлари яна кўтарилган.

* Шу йилнинг 30 июнида Аргентина аҳолиси 19 миллион 857 минг 700 кишига етган.

* Рейтер агентлигининг хабарида айтилишича, жаҳондаги 60 та студентлар ташкилотининг делегатлари иштироки билан Ибаданда (Нигерия) бўлаётган халқаро студентлар конференцияси АҚШнинг бир қанча университетларида ўтказилаётган ирқий чеклаш сиёсатини қоралаган.

* 23 сентябрда Индонезия парламенти якдиллик билан резолюция қабул қилиб, Бош Ассамблеядаги Индонезия делегациясининг Ғарбий Ириани Индонезия республикаси билан қайта қўшиш тўғрисидаги талабини қувватлади. Резолюцияда жаҳоннинг ҳамма мамлакатларидаги парламентларга Индонезиянинг Ғарбий Ириани қайтариб олиш тўғрисидаги қонуний талабини қувватлашга чақириб мурожаат қилинди.

* Англия олий суди кипрлик икки киши устидан чиқарилган ўлим ҳукми тўғрисида апелляцияни рад қилди ва бу ҳукмни тасдиқлади. Ўлимга ҳукм қилинган 25 яшар Костас Михаил ва 19 яшар Деметракис Христу инглизлар томонидан Кипрда жорий қилинган фавқулодда қонун асосида ҳукм қилинган эдилар.

23 сентябрь (ТАСС).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/IX да **Чин муҳаббат**, 26/IX да **Гамлет.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/IX да **Уйқудаги гўзал**, 26/IX да **Севилья сартароши.**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун янги рангли киноповесть **Гуттаперча бола.**

«ИСКРА» (қишки) — кундуз ва кечқурун **Улар йўлда учрашдилар.**

«ИСКРА» (ёзги) — кеч соат 8 ва 10 да **Улар йўлда учрашдилар.**

КАФАНОВ номли — кеч соат 8 ва 10 да **Гуттаперча бола.**

«ХИВА», «САЛЮТ» — **Гуттаперча бола.**

«УДАРНИК» — кеч соат 8 да **Гуттаперча бола**, кеч 10 да **Жасур кишилар.**

1957 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРДА МОСКВА ШАҲРИДА

3% ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЁМИНИНГ

икки ютуқ тиражлари бўлади

(59-АСОСИЙ ВА 10-ҚЎШИМЧА ТИРАЖИ)

Бу тиражларда заёмнинг ҳамма ўн разрядидаги облигациялар қатнашади ва қуйидаги миқдорда ютуқлар ўйналади:

Ютуқлар миқдори (сўм билан)	Ютуқлар сони	
	59-асосий тиражда	10-қўшимча тиражда
100.000 сўм	—	10
50.000 сўм	20	50
25.000 сўм	50	250
10.000 сўм	250	800
5.000 сўм	800	8000
1.000 сўм	7000	23000
400 сўм	76880	82890
Ҳаммаси	85000	115000
Ютуқларнинг умумий суммаси (минг сўм ҳисобида)	46502,0	113906,0

3% ли заём облигацияларини сотиб олингиз!

Бу заёмнинг облигациялари омонат кассаларида сотилади ва бемалол сотиб олинади.

Брест қалъаси қаҳрамонларини излаб

Сергей СМИРНОВ.

«26 июнь куни. Шарқий фронт ни ташлай бошлади. Оқибат, яна бирдан-бир қаршилик кўрсатувчи ўчоқ бўлиб қолди. Бу ерга пиёда қўшин кучи билан бостириб келиш ҳеч мумкин бўлмади: тақасимон саройнинг чуқур дарчаларидан уриб турган аъло даражадаги милтиқ ва пулемёт ўтлари қўрғонга яқинлашаётган ҳар бир кимсани тутдай тўкиб турди...

27 июнь куни. Асир олинган бир кишидан сўраб билсак, Шарқий қўрғонда йигирмата командир билан уч юз етмишта жангчи ўзларига етарли миқдорда ўқ-дори, қуроласлаҳа ва озиқ-овқат билан жойлашиб олган экан. Унинг айтишича, фақат сув бир оз танқис бўлиб, аммо уни ҳам қудуқ қазиб олишаётган эмиш. Бундан ташқари, қўрғонда аёллар билан ёш болалар ҳам бор экан. Қаршилик кўрсатувчиларнинг раҳбари ва жон-юраги қандайдир бир майор билан комиссар эмиш...

28 июнь куни. Шарқий қўрғонни танк ҳамда ҳужумкор тўплар билан ўққа тутиш давом этди, аммо ҳеч қандай наф бўлмади. Саксон саккиз миллиметрлик зенит тўпидан узилган ўқлар ҳам худди шундай натижа бермади.Шу сабабдан дивизия қўмондони учувчилар билан алоқа боғлашни ва иложи бўлса қўрғонни батамом бомбардимон қилишни буюрди...

29 июнь куни. Соат роса саккиздан бошлаб авиация қанчадан-қанча беш юз килограммлик бомбаларни ташлай бошлади. Оқибат, яна натижасиз бўлди. Танклар ва ҳужумкор тўплар билан Шарқий қўрғонга қилинган иккинчи зўр ўтли ҳужум ҳам, қўрғон деворларига қисман зарар етказган бўлишига қарамай, яна шундай кўримсиз натижа берди.

30 июнь куни. Бензин, мой, ёғ билан ҳужум қилиш учун тайёргарлик кўрилди. Буларнинг ҳаммаси, граната ташлаш ва ёндирувчи ўқлар отиш ёрдами билан ўт олдириш мақсадида, бочкаларда, шишаларда қўрғон атрофидаги хандақларга олиб келинди».

Гитлерчилар ҳаводан ташланган бир минг саккиз юз килограммлик бомбадан кейингина, бир амаллаб Шарқий қўрғонга кириша ва уни ишғол қилишга муваффақ бўлди. Ҳа, худди шундан кейингина муваффақ бўлди! Зотан, гитлерчиларнинг ўзлари ҳам маълумотда, бомбардимон ўзининг қўдратли зарби билан бутун Брест шаҳрини ларзага келтирди, деб ёзган эди. Шундан кейин, кучли бомбардимон туфайли ўз қисмларидан ажралиб қолган бир гуруҳ командирлар билан жангчилар гитлерчилар томонидан асир олинади: булардан кўпчилиги асосан ярадорлар билан контужен бўлиб қолганлар бўлади. Шунингдек, асир олинганлар қаторида қўрғон казематларида бўлган аёллар билан ёш болалар ҳам бор эди. Аммо гитлерчилар бутун ҳамма жойни қанча титкиламасин, барибир, мудофаа раҳбарларини топиша олмайди. Бу ҳақда немис маълумотида шундай деб ёзилган эди: «Майор билан комиссар топилмади. Айтишларига қараганда, улар ўзларини отиб ўлдирган эмиш».

Мен ўзимнинг Брестга қилган биринчи сафарим вақтида Шарқий қўрғон жанги иштирокчиларидан ақалли бирортасини ҳам топишга муваффақ бўла олмадим. 1955 йилнинг февраль ойига келиб, яна Брестда бўлдим ва қалъа мудофаасида иштирок этган кишиларни ҳамда тирик қолган шоҳидларни излаб топиш мақсадида, бутун областнинг узоқ-узоқ районларигача машина билан айланиб чиқдим. Ниҳоят, Брестдан йигирма беш километр наридаги район маркази Жабинкада маҳаллий ДОСААФ ташкилотига раҳбар бўлиб ишлаётган ва уруш вақтида Брестда хизмат қилиб, қалъа мудофаасида иштирок этган собиқ лейтенант Яков Иванович Коломиец билан учрашиб қолдим. Суҳбатимизнинг бошиданоқ, мен ўзимнинг кўзим ўнгида турган бу одамни Шарқий қўрғон ҳимоячиларидан бири эканини билдим. Бироқ Коломиец бу ерни «Шарқий қўрғон» деб эмас, балки «Тақасимон тупроқ истеҳком» деб атар эди. Мен Коломиецни машинага ўтқизиб олдим-да, тўғри Брест қалъасига олиб келдим ва ундан 1941 йили ўзининг қаерда жанг қилганини менга кўрсатиб беришини илтимос қилдим.

У мени тўппа-тўғри Шарқий қўрғонга бошлаб олиб келди.

Коломиец менга мудофаа штаби шу қўрғонда жойлашганини ва қалъанинг бошқа қисмларида бўлмагани ҳолда, бу ерда алоқа боғлаш учун телефон линияси ҳам бўлганини ҳикоя қилиб берди. Қўрғон мудофаасининг мустаҳкам бўлишининг бирдан-бир сабаби, бу ерда қўмондонлиқ қилган бир майорнинг гоятда тўғри ва шижоатли фаолиятининг оқибати бўлган.

Бу жуда иродали ва ажойиб ташкилотчи одам бўлиб, жангчиларга довюраклик ҳамда мардлик намуналарини кўрсатган, қўрғонда кунни кун, тунни тун демай узоқ вақт давом этган бутун шиддатли жангларнинг том маъноси билан юраги ҳисобланган.

Аммо Коломиец бу майорнинг фамилиясини аниқ эслай олмади. «Григорьевмиди... ёки бошқами, хуллас шунга ўхшаганроқ эди» деди у.

Бунга қадар менинг қўлимда баъзи бир қалъа ҳимоячиларининг рўйхати ҳам бор эди. Мен бу рўйхатни: қалъани ҳимоя қилган жангчилар билан командирларнинг фамилияларини шахсан ўзим билан суҳбатда бўлган ва кўрган-билганларини хотираларида сақлаб қолган мудофаа қатнашчиларидан сўраб билиб олган эдим. Рўйхатда бир қанча майорларнинг ҳам фамилияси бор эди. Мен уларнинг фамилиясини Коломиецга овоз чиқариб ўқиб бердим. Ўқиб келаётиб 44-ўқчи полкнинг командири майор Гаврилов нинг фамилиясига келганимда, Коломиец бирдан сапчиб тушди:

— Гаврилов?! Ҳа, Шарқий қўрғон мудофаасига ўша майор Гаврилов қўмондонлик қилган эди...

— Шундан кейин Гаврилов нима ишлар қилди? Тақдири нима билан тамом бўлди?

— Асирликда ўртоқларим менга, у ўзини-ўзи отиб ўлдирибди, деб айтишган эди.

Шундай қилиб, майор ўзини-ўзи отиб ўлдиргани ҳақидаги немис маълумотидаги баёнотни Шарқий қўрғон ҳимоячиларидан бири яна қайд қилди.

Орадан анча вақт ўтгандан кейин, мен Беловежская тўқайзоридан унча узоқда бўлмаган Каменец шаҳрида бўлдим ва район поликлиникасида ишлайдиган врач Николай Иванович Воронович билан учрашдим. Ҳарбий врач Воронович урушнинг дастлабки кунлариёқ гитлерчилар томонидан асир олинади ва Брест қалъаси мудофаасининг Матевосян, Махнач каби қатор иштирокчилари қамалиб ётган Брестнинг Жанубий ҳарбий шаҳарчасидаги лагерга юборилади. Асир олинган бошқа ҳарбий врачлар билан биргаликда Воронович ҳам ярадор бўлган совет жангчилари билан командирларини даволай бошлайди. У менга шундай деб ҳикоя қилиб берди:

«Урушнинг ўттиз иккинчи куни, — ҳақиқатан ҳам бу воқиа урушнинг нақ худди шу ўттиз иккинчи куни содир бўлганини Воронович қаттиқ туриб исботлар эди,— гитлерчилар лагерь госпиталига оғир ярадор бўлган бир майорни олиб келишди. Шу сабабдан ҳам бизнинг врачларимиз бу кунни ўз хотираларида жуда яхши сақлаб қолган. Немислар уни ҳушсиз ҳолда асир олишибди. Унинг командир формаси бутунлай жулдирвоқига айланиб кетган, юзларига порох қуруми билан чанг ёпишган, соқолмўйловлари ўсган ва эти бориб устухонига ёпишган эди. У шу қадар ҳолдан тойган эдики, ҳатто оғзига қуйган овқатни ҳам чайнаб юта олмасди. Шу туфайли врачларимиз унга сунъий йўл билан овқат бера бошлади ва шу тахлитда унинг жонини асраб қолди.

Аммо гитлерчилар уни шу ҳолда қалъа казематларининг биридан тутиб олиб келгандан кейин, у ўзининг зўрга жон асраб турган бўлишига қарамай, уларга қарши танҳо ҳолда жанг олиб борганини, гранаталар улоқтирганини, пистолетдан ўқ узиб, бир ўзи бир қанча немис солдатини ярадор қилганини ва ўлдиргани айтишган эди. Улар майор тўғрисида шу қадар хайрихоҳлик билан ажабланиб гапириб юришди, демак, кўриниб турибдики, гитлерчилар уни довюраклиги учун ҳурмат қилган ва шу сабабдан ҳам отиб ўлдирмаган экан».

(ДАВОМИ БОР)

(Боши газетанинг 4, 7, 12, 14, 18, 20 ва 22 сентябрь сонларида).

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими — 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 04988. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1847.